



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 22 yil " 27 " июль

№ 10

Toshkent sh.

Аҳоли орасида профилактик кўриклари, скрининг дастурлари ва патронажни амалга оширишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ № 215 - сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Аҳолининг профилактик тиббий кўриклари, скрининг дастурлари ва патронаж хизматини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошиқлари бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан аҳолининг профилактик кўриклари, скрининг дастурлари ва патронаж хизматини (кейинчалик-профилактика тадбирлари деб юритилади) мазкур йўриқномага мувофиқ ташкиллаштирилишини таъминласин.

Бунда, профилактика тадбирларини амалга ошириш учун туман/шаҳар, муассаса ва ҳар бир тиббий бригаданинг тармоқ режаларини тузиш;

тармоқ режага мувофиқ ижросини таъминлаш;

тиббий кўрик ва скрининг дастурларни амалга ошириш ва касаллик аниқланган беморларни соғломлаштиришда мавжуд асбоб-ускуналар, реактив ва сарфлов материаллари, дори дармонлардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

17.24.100

сурункали касаллик аниқланган беморларни диспансер назоратига олиш, динамик кузатувлар ва индивидуал соғломлаштириш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

касалликлар диагностикаси, даволаш ва реабилитациясида тасдиқланган клиник протокол ва стандартларга тўлиқ риоя қилиш;

профилактика тадбирларни амалга оширишда тиббий ҳисоб ва ҳисобот хужжатларнинг ҳаққонийлиги ҳолатини тизимли равишда ўрганиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўриш вазифалари амалга оширилсин.

3. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев), Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси (Д.Игамбердиева) бошлиқларига

жойларда тизим раҳбарлари, бирламчи тиббий-санитари ёрдами муассасалари мудирлари ва тиббий ходимларга мазкур буйруқ мазмун-моҳиятини тушунтириш;

тиббиёт ходимларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш билан бир қаторда мазкур буйруқ талабларининг ижро ҳолатининг тизимли назоратини амалга ошириш чораларини кўриш;

мониторинг натижаларини таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, ўз функционал вазифаларини бажармаган раҳбар ва тиббий ходимларга тегишли чоралар кўриш вазифалари юклансин.

4. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг буйруқлари 2- иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятлов, вазир ўринбосари Э.Баситхановалар зиммасига юклансин.

Вазир



Б.Мусаев

Аҳолининг профилактик тиббий кўриклари, скрининг дастурлари ва патронаж хизматини ўтказишнинг тартиби

I. Умумий қоидалар

1. Аҳолининг профилактик тиббий кўриклари, скрининг дастурлари ва патронаж хизматини ўтказишнинг янгиланган тартиби (кейинчалик-Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2022 йил 25 апрель 215-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

2. Тартиб Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида (кейинчалик - муассаса деб юритилади) аҳолининг профилактик тиббий кўриклари, скрининг дастурлари ва патронаж хизматини (кейинчалик-профилактик тадбирлар деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

3. Асосий мақсад - аҳолига кўрсатилаётган профилактик тадбирларни мақбуллаштириш, касалликларни келтириб чиқарувчи омилларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш, фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар билан биргаликда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғизлар, ногиронлар, сурункали касаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморларни тизимли патронаж билан қамраб олиш тадбирларни янада такомиллаштиришдан иборат.

II. Асосий тушунча ва йўналишлар

4. Профилактика тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

профилактик тиббий кўрик – касалликлар ва уларнинг ривожланиш хавф омилларини аниқлаш, саломатлик гуруҳларига таснифлаш, беморларга тавсияларни бериш мақсадида ўтказиладиган тиббий кўрик мажмуаси;

чуқурлаштирилган тиббий кўрик - тизимли чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, муассасаларнинг (зарурият туғилганда бошқа даражадаги ва турдаги даволаш-профилактика муассасалари) бир нечта йўналишдаги тор соҳа мутахассисларининг объектив кўриклари, лаборатор ва инструментал текширувлардан иборат бўлади;

мақсадли тиббий кўрик - алоҳида алгоритмга асосан айрим касаллик ва ҳолатларни аниқлаш учун уюшган ва уюшмаган аҳолининг тиббий

кўриклари ҳисобланади, бунда бир неча йўналишдаги шифокорлар иштирок этиши, лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилиши мумкин (никоҳланувчи шахслар, ишга (ўқишга) кирувчилар, ҳайдовчилар, зарарли омиллар билан ишловчилар, жазони ўташ жойларидан озод этилганлар, меҳнат мигрантлари ва бошқаларнинг тиббий кўриклари);

скрининг - касаллик белгилари бўлмаган шахслар (гуруҳлар)да касаллик ҳолатлари (уларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини) аниқлаш мақсадида осон ва тез услубларда ўтказиладиган оммавий бирламчи текшириш тизими;

диспансеризация - сурункали касалликларни эрта аниқлашга қаратилган профилактик тиббий кўрик ва қўшимча текширув усуллари ҳисобланади;

диспансер кўриклар - сурункали касалликка чалинган беморларнинг диспансер назоратига олиш, тизимли динамик кузатувлари, соғломлаштириш ва реабилитация тадбирлари мажмуаси ҳисобланади;

патронаж - тиббиёт ходимлари томонидан хонадонда профилактика ва санитария-тарғибот тадбирларини ўтказиш;

универсал-прогрессив патронаж - универсал ва прогрессив моделларнинг афзалликларини бирлаштирган, уларнинг чекловларини енгиб ўтиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган аралаш модель.

5. Профилактик тадбирлар асосан муассасаларнинг оила шифокорлари ва тор соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилади.

6. Профилактик тиббий кўрик ва скрининг дастурлари мазкур йўриқноманинг 1- иловасидаги жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

III. Профилактика тадбирларини ташкиллаштиришда раҳбар ва тиббий ходимларнинг вазифалари

7. Тиббий бригада аъзолари оила шифокори бошчилигида йилига бир марта октябрь-ноябрь ойларида ўзига бириктирилган аҳолининг рўйхатларини янгилайди, оила паспорти ва аҳолининг ёшма-ёш жадвалини шакллантиради.

8. Бириктирилган аҳолининг амбулатор карталарини рўйхатхонада тўлиқ бўлишини таъминлайди (рўйхатда бўлсада вақтинча бу жойда яшамайдиган аҳолининг амбулатор карталари яшаш жойидаги тегишли муассасаларда сақланиши мумкин).

9. Оила шифокори бириктирилган аҳолининг ёши ва жинсидан саломатлик ҳолати, мавжуд касаллигидан келиб чиқиб, профилактик тиббий

кўриқлар, скрининг дастурлар, диспансер кўриқлар ва патронаж билан қамраб олиш бўйича йиллик тармоқ режани шакллантиради.

барча тиббий бригадаларнинг тармоқ режаси муассаса бўйича, барча муассасаларники умумлаштирилиб, тиббиёт бирлашмасининг профилактика тадбирлари бўйича йиллик режаси тайёрланади ва туман/шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиқлари томонидан имзоланади.

10. Мазкур тармоқ режаларнинг ижро ҳолати ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси, тиббиёт бирлашмаси ва муассаса раҳбари томонидан ижросини таъминлайди ҳамда назорат қилиб боради.

11. Тиббий бригада аъзолари йиллик тармоқ режасидан ойлик, ҳафталик режаларни шакллантиради ва ижросини таъминлайди.

Бунинг учун ўзига бириктирилган аҳолини профилактик кўриқларни ўтказиш муддатлари ва тартиби ҳақида огоҳлантириши керак

IV. Профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби

12. **Профилактик тиббий кўрик** - оила шифокори томонидан ўтказилади.

Бунда **1-ёшгача** болалар йилига 14 марта, **1-3 ёшли** болалар йилига 4 марта, **3-5 ёшли** болалари йилига 2 марта, **6-18 ёшли болалар** йилига 1 марта профилактик кўриқлардан ўтказилади.

5 ёшгача болалар белгиланган муддатларда муассасага келганда шифокор олди кўрик хонасида ёки хонадондаги кўрик пайтларида оилавий шифокор (ҳамшира) томонидан антропометрик ўлчовлар ўтказилиб, боланинг овқатланишига, унинг жисмоний ҳамда психомотор ривожланишига баҳо берилади.

Баҳоланиш натижалари бўйича онага боладаги ўзгаришлар тушунтирилиши, боланинг парвариши бўйича онага маслаҳат берилиши шарт. Ҳар бир кўриқлар, ижобий ёки салбий ўзгаришлар ҳамшира томонидан амбулатор картадаги махсус шаклларда белгилаб борилади, шифокор томонидан динамик ўзгаришлар баҳоланади, объектив кўриқлар натижалари ва тавсиялар қайд қилиб борилади.

1 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар оила шифокори ва тор соҳа мутахассислари иштирокида йилига 1 марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан махсус тармоқ режаси асосида ўтказилади. Ташкиллашган болалар (Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчилар) тиббий

кўриқдан таълим муассасаларида, ташкиллашмаган (уйда қолган болалар) болалар эса амбулатор-поликлиника муассасаларида ўтказилади.

Чуқурлаштирилган тиббий кўриқларда оила шифокори (таълим муассасаси педиатри), тор соҳа мутахассислари томонидан объектив кўриқ натижалари, ташхис ва тавсиялари, боланинг антропометрик ўлчов натижаларини қисқартирилмасдан тўлиқ қайд қилиниши лозим.

Оила шифокори (таълим муассасаси педиатри) ўзи ва тор соҳа мутахассисларининг объектив кўриқлари ҳамда антропометрик текширувлар натижалари бўйича якуний ташхисни аниқлайди. Боланинг саломатлик ҳолати ва мавжуд касалликларига кўра саломатлик гуруҳларига (I-III гуруҳлар) таснифлайди. Кейинги кузатув ва назорат режаси тузилади.

Агарда бола амалий соғлом деб топилса (**I гуруҳ**), унга касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи асослари бўйича суҳбат ўтказилади.

Агарда болада касалликларга мойиллик ёки касалликни келтириб чиқарувчи хавф омиллари аниқланса ёки бирон касалликка гумон қилинса (**II гуруҳ**), қўшимча текширув ва мутахассислар маслаҳати учун поликлиникага йўлланма берилади, боланинг онасига тушунтирилади.

Болада сурункали касаллик аниқланса ёки аввалдан сурункали касаллиги мавжуд бўлса (**III гуруҳ**), уни диспансер назоратида олиб бориш, индивидуал соғломлаштириш ва реабилитация режалари тузилади, боланинг онасига тушунтирилади ва маслаҳатлар берилади.

Таълим муассасаларидаги болаларнинг профилактик кўриқлари таълим муассасаси педиатри томонидан умумлаштирилади, тегишли жадвалларга асосан ҳисоботлар шакллантирилади, 2 нусхада далолатнома расмийлаштирилади. (Таълим ва тиббиёт муассасаси учун).

Таълим муассасаларига бормайдиган болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқлардан ўтказиш учун тармоқ режасига асосан патронаж ҳамширалари томонидан муассасага таклиф этилади. Шифокор олди кўриқ хонасида антропометрик ўлчовлар ўтказилиб, мутахассислар кўригига йўлланади. Оила шифокори ўзи ва тор соҳа мутахассисларининг объектив кўриқлари, антропометрик текширувлар натижалари бўйича якуний ташхисни аниқлайди. Боланинг саломатлик ҳолати ва мавжуд касалликларига кўра саломатлик гуруҳларига (I-III гуруҳлар) таснифлайди. Тегишли жадвалларга асосан ҳисоботлар шакллантиради ва бўлим бошлиғи/муассаса раҳбарига тақдим этиб боради (ҳар чоракда 1 марта).

Чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижалари болаларнинг амбулатор карталарида ўрнатилган тартибга мувофиқ қайд қилиниши талаб этилади. Оила шифокори тиббий кўрик натижаларига кўра боланинг кейинги кузатув ва олиб бориш режасини белгилайди. Бу бўйича амалиёт ҳамшираси ва патронаж ҳамшираларига тегишли кўрсатмалар беради.

18 ёшдан 40 ёшгача бўлган шахслар йилига 1 марта оила шифокори томонидан профилактик кўриқдан ўтказилади.

Бунда, шифокор олди кўрик хонасида тиббиёт бригадасининг амалиёт ҳамшираси томонидан ёки хонадонда патронаж ҳамшираси томонидан антропометрик ўлчовлар (бўй узунлиги, тана вазни, бел айланаси, вазн-бўй индекси) ва артериал қон босими аниқланади. Махсус саволнома асосида овқатланиш одатлари, жисмоний фаоллиги ва зарарли одатларга тобелиги ўрганилади.

Шифокорнинг объектив кўриклари асосида саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги 4 та хавф гуруҳларига таснифланади:

1-таянч гуруҳи – амалий соғлом шахслар (соғлом турмуш тарзи тамойилларига риоя қилувчи, сурункали касалликлар аниқланмаган, бундай касалликларнинг ривожланиш хавфи мавжуд бўлмаган, тизимли назоратга муҳтож бўлмаган шахслар);

2-паст хавф гуруҳи - сурункали касалликлар аниқланмаган, аммо касалликлар ривожланишининг хавфи (ортиқча вазн, зарарли одатлар-чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш) бўлган, тез-тез ўтқир касалликларга чалинувчан, сурункали касалликларнинг тўлиқ ремиссияси давридаги, диспансер назоратига муҳтож бўлмаган шахслар;

3-ўрта хавф гуруҳи - сурункали касалликлар билан касалланган, касалликнинг компенсация ва субкомпенсация давридаги, диспансер назорати, диамик кузатувлар, соғломлаштириш-раебилитация тадбирлари ўтказилишига муҳтож бўлган шахслар;

4-юқори хавф гуруҳи - сурункали касалликларнинг декомпенсация давридаги, яққол асоратлари бор, ўзгалар парваришига муҳтож, ногирон ва ётиб қолган беморлар, тизимли назорат, соғломлаштириш-раебилитация тадбирлари ўтказилиши талаб этиладиган шахслар.

Саломатлик гуруҳига мансуб ҳар бир аҳолининг кузатув, назорат ва даволаш режаси тузилади. Жумладан,

1-таянч гуруҳига мансуб аҳолига касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи асослари бўйича суҳбат ўтказилади ва кейинги кўрик муддати **1 йилдан** кейин деб белгиланади

2-паст хавф гуруҳига мансуб аҳолига аниқланган хавф омилларини бартараф қилиш бўйича индивидуал режа тузилади, **йилига 2 марта** амалиёт ва патронаж ҳамшираси томонидан берилган тавсиялар назорати белгиланади;

3-ўрта хавф гуруҳига мансуб аҳоли касалликнинг ривожланиш босқичига кўра йилига 2-6 марта (клиник протокол ва стандартларга асосан) динамик кузатув, тегишли лаборатор ва инструментал текширувлар, заруратга кўра тор соҳа мутахассис кўриклари, амбулатор ёки стационар даволаш, реабилитация тадбирлари бўйича индивидуал режа тузилади. Мазкур режага асосан оила шифокори, патронаж ҳамширалари томонидан олиб борилади.

4-юқори хавф гуруҳига мансуб аҳолининг индивидуал олиб бориш, соғломлаштириш-реабилитация тадбирларини ўтказиш режаси тузилади ва эҳтиёжга кўра оила шифокори, патронаж ҳамшираси, тиббий бригада дояси томонидан уйда кўриклар (камида 1 ойда 1 марта) амалга оширилади.

Ётиб қолган, ўта оғир беморларга уй шифохонаси ташкил қилиниб, кунлик назорат ва даволаш чоралари оила шифокори ҳамда ҳамшира томонидан амалга оширилади.

Профилактик кўрик натижалари тиббий бригада аъзолари (оила шифокори, амалиёт ҳамшираси, патронаж ҳамшираси) томонидан амбулатор картага киритилади.

Бунда беморнинг қайси саломатлик гуруҳига мансублиги, аниқланган ўткир ёки сурункали касалликлари, эҳтиёжга кўра қўшимча текширувга юборилиши ва олиб бориш тактикаси уларнинг кейинчалик назорат муддатлари ва тавсиялар қайд қилиниши лозим. Бунда қуйидаги маълумотлар амбулатор картада жамланади:

Профилактик кўрик санаси	
Аниқланган саломатлик гуруҳи	
Хавф омилларининг мавжудлиги	
- нотўғри овқатланиш	
- жисмоний нофаоллик	
- зарарли одатлар	
Биринчи марта аниқланган касалликлар	
Мавжуд касалликлар	

Амалга оширилиши лозим бўлган тактика	
Кейинги кўрик санаси	

13. **Скрининг текширувларини** ўтказиш учун ҳар бир оила шифокори бригада аъзолари билан биргаликда бириктирилган аҳолиси орасида хавф гуруҳига мансуб бўлган аҳолини белгиланган скринингдан ўтказиш учун тармоқ режасини тузади. Тармоқ режасига ёши ва жинсига кўра хавф гуруҳига киритилган аҳолининг саломатлик ҳолатидан қатъий назар барчаси киритилади. Фақат скрининг ўтказилаётган нозология бўйича касалликка чалинган ва диспансер назоратида турган беморлар бундан мустасно бўлади.

Масалан, 2–10 ёшли болалар орасида гельминтозга скрининг ўтказишда гельминтозга чалинган болалар ёки қандли диабетни эрта аниқлаш бўйича скринингда қандли диабетга чалинган беморлар сони чегириб ташланади ва режага киритилмайди.

Тармоқ режасига мувофиқ патронаж ҳамширалар ва доя мазкур аҳолини скринингдан ўтиш учун муассасага таклиф этади. Скрининг истисно тариқасида хонадонда ўтказилиши ҳам мумкин.

Скрининг саволномалари асосида баҳолаш, антропометрик ўлчовлар муассасадаги шифокор олди кўрик хоналарида ўтказилади. Ҳар бир йўналишдаги скрининг учун алоҳида тегишли алгоритмлар тасдиқлаб берилади. Скрининг натижалари амбулатор картада (махсус шаклларда) қайд қилиб борилади.

2-10 ёшли болалар гельминтозни эрта аниқлаш мақсадида **ҳар йили 1 марта** скринингдан ўтказилади. Бунинг учун патронаж ҳамшираси барча 2-10 ёшли болаларнинг рўйхатига асосан копрология учун (гизжа тухумларини аниқлаш мақсадида) йўлланма ёзиб, боланинг онасига беради ва таҳлил учун биоматериални қандай йиғиш кераклигини тушунтиради.

Мазкур таҳлил 3 марта (2-4 кун оралиғи билан) ўтказилиши керак.

Таҳлил натижаларига кўра гельминтоз топилган болалар тасдиқланган клиник протокол ва стандартларга асосан оила шифокори томонидан қўшимча текширувлардан ўтказилади ва даволаниш чоралари белгилаб берилади.

3- 18 ёшли болалар гематоонкологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида скринингдан ўтказилади. Бу жараён оила шифокори (таълим муассасаси педиатри) томонидан болаларни чуқурлаштирилган

тиббий кўриклардан ўтказишда амалга оширилиши мумкин. Бунда оила шифокори/педиатр томонидан бола (онаси иштирокида) махсус саволнома асосида хавф белгилари аниқланади, объектив кўрикда лимфотугунлар пальпацияси амалга оширилади. Қоннинг умумий таҳлили ўтказилади.

Скрининг натижасида касаллик гумон қилинган болаларда қўшимча текширув ва гематолог маслаҳати ўтказилади.

40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида юқумли бўлмаган касалликлар хавф омилларини аниқлаш мақсадида ҳар бир оила шифокорининг тармоқ режасига мувофиқ патронаж ҳамширалар ушбу контингентни скринингдан ўтиши учун муассасага таклиф қилади. Мазкур скрининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра мослаштирилган клиник протоколлар (PEN) асосида олиб борилади.

Шифокор олди кўрик хонасида мазкур хавф гуруҳига кирувчи аҳолининг тана вазни, бўй узунлиги, бел айланаси ўлчанади, вазн-бўй индекси ва артериал қон босими аниқланади. Махсус саволномага асосан унда яширин кечаётган қандли диабет, юрак қон-томир касалликлари ёки ўпканинг сурункали обструктив касаллиги белгилари ва уларга мойиллик аниқланади. Оила шифокори томонидан объектив кўрик амалга оширилади.

Шу билан бирга, қонда глюкоза, холестерин миқдори аниқланади, ЭКГ ўтказилади.

Скрининг натижаларига кўра беморда касаллик аниқланса ёки унга гумон қилинса, оила шифокори томонидан ташхисни тасдиқлаш учун қўшимча текширув, тор соҳа мутахассислари кўриги ва маслаҳатига йўлланмалар берилади. Якуний ташхис қўйилганидан кейин бемор диспансер назоратига олинади (амбулатор картага диспансер назоратига олиш эпикризи, беморнинг кейинги кузатув ва индивидуал соғломлаштириш-реабилитация режаси қайд қилинади, диспансер назорат карточкаси (Ф-30) расмийлаштирилади ва диспансер назоратидаги беморлар рўйхатига киритилади).

Агар аҳоли контингентида касалликни келтириб чиқарувчи хавф омиллари бўлмаса ёки юрак қон-томир касалликлари (ЮКТ) хавфи минимал (5%гача) бўлса, улар билан соғлом турмуш тарзини юритиш тамойиллари бўйича суҳбат ўтказилади ва кейинги кўрик 1 йилдан кейин бўлиши белгиланади.

Агар хавф омиллари мавжуд бўлса (беморда нотўғри овқатланиш, жисмоний нофаоллик, тамаки истеъмол қилиш, алкоголь маҳсулотларини суистеъмол қилиш, ортиқча вазн), шу билан бирга, қандли диабет ва юрак қон-томир касаликларига наслий мойиллик бўлса, юрак қон-томир касалликлари хавфи 5-10% гача бўлса, бундай ҳолатда соғлом турмуш тарзига риоя қиш бўйича индивидуал тавсиялар ишлаб чиқилади ва унга тушунтирилади. Ушбу контингент патронаж ҳамшираси томонидан шифокор тавсияларига риоя қилинаётганлиги ҳар 6 ойда 1 марта назорат қилиб турилади, тегишли тавсиялар берилади.

Семизлик ҳолати ёки тана вазнидан қатъий назар диабет олди ҳолати, юқори артериал босим аниқланса, юрак қон-томир касалликлари хавфи 20 % гача бўлса, махсус схема асосида олиб борилади (назорат ва тегишли дори воситалари) ҳамда ортиқча вазндан халос бўлиш, соғлом турмуш тарзи тамойилларига риоя қилиш бўйича индивидуал тавсиялар берилади. 6 ойдан кейин предиабет ҳолатида қонда глюкоза миқдорини қайта текшириш, артериал босим назорати, шифокор кўриги ўтказилади ва кейинги назорат режаси белгиланади.

Хавф омиллари ўрта ва юқори бўлган (30% дан юқори) контингент учун хавф омилларини бартараф қилиш бўйича индивидуал режа тузилади ва ҳар чоракда бир марта тиббий бригада аъзолари томонидан назорат қилиб борилади. Скрининг натижалари махсус беморнинг назорат варақаларига асосан расмийлаштирилади.

35-55 ёшли аёллар орасида бачадон бўйни саратонини эрта аниқлаш мақсадида тиббий бригада дояси томонидан мазкур ёш контингентига мансуб аёллар рўйхатларини тузади ва йиллик скрининг тармоқ режасини шакллантиради. Режага мувофиқ аёллар муассаса гинекологи кўриги ва қин суртмаси таҳлилини олиш учун таклиф этилади. Аёлларга ушбу текширувларни ўтказишдан мақсад ва унинг моҳияти албатта тушунтирилиши керак.

Суртма таҳлили натижаларига кўра агар аёлларда касалликка гумон аниқланса, онко-гинеколог маслаҳатига юборилади. Касаллик аниқланган аёллар клиник протокол ва стандартларга асосан олиб борилади. Касаллик ёки унга гумон аниқланмаган аёлларда скрининг ҳар **уч йилда бир марта** ўтказилади.

45-65 ёшли аёллар орасида кўкрак беи саратонини эрта аниқлаш мақсадида тиббий бригада дояси томонидан мазкур ёш контингентига

мансуб аёллар рўйхатларини тузади ва йиллик скрининг тармоқ режасини шакллантиради. Режага мувофиқ аёллар муассасага скринингдан ўтиш учун таклиф этилади. Шифокор олди кўрик хонасида тиббий бригаданинг амалиёт ҳамшираси ёки дояси томонидан аёлларга ушбу текширувларни ўтказишдан мақсад ва унинг моҳияти тушунтирилади. Бунда кўкрак безининг ташқи кўриги ва пальпацияси амалга оширилади. Ташқи кўрикда кўкрак безида ўзгаришлар (кўкрак безларининг бири ҳажми кичрайиши, терисида тортилиш ёки дағаллашув, кўкрак учининг ичига тортилиши, оғриқ ва ажралмалар борлиги, рангининг ўзгарганлиги) ёки пальпацияда ҳосила пайдо бўлганлиги аниқланса ва шифокор томонидан тасдиқланса, онколог кўригига юборилади. Онколог тавсиясига кўра маммография текшируви амалга оширилади. Касаллик ёки унга гумон аниқланмаган аёлларда скрининг ҳар **икки йилда бир марта** ўтказилади.

14. Айрим касаллик ва ҳолатларни эрта аниқлаш мақсадида ҳам тиббий кўрик ва текширувлар ўтказилиши мумкин. Масалан,

Фертил ёшдаги аёллар (**15-49 ёш**) да **ҳар йили бир марта** оила шифокори томонидан ўтказиладиган профилактик кўриклар жараёнида саломатлик ҳолати ва мавжуд касалликларидан келиб чиққан ҳолда экстрагенитал касалликлар туфайли ҳомиладорликка монеликлар аниқланади. Ушбу ҳолат соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга асосан амалга оширилади.

Фертил ёшдаги аёллар тиббий кўрикларини ўтказиш учун ҳам оила шифокори томонидан тармоқ режаси тузилади. Тармоқ режасига бириктирилган аҳоли орасидаги мазкур ёшдаги барча хотин-қизлар контингенти тўлиқ киритилади. Бунда уларнинг саломатлик ҳолати ва ташхислари монелик бўлмайди. Фақат кўрик пайтида ҳомиладор бўлган аёллар бундан мустасно. Тармоқ режасининг ижроси амалиёт ҳамшираси томонидан назорат қилиб турилади. Тармоқ режасига мувофиқ патронаж ҳамшираси аёлларни муассасага кўриikka таклиф қилади.

Ҳомиладорликка монелик 15-18 ёшгача қизларининг чуқурлаштирилган тиббий кўриклари, 18-40 ёшли хотин-қизларнинг профилактик тиббий кўриклари ёки 40-49 ёшдаги аёлларнинг скрининг кўриклари жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларга қўшимча равишда қоннинг умумий таҳлили учун йўлланма берилади.

Тиббий кўрик натижаларига кўра амалий соғлом ёки экстрагенитал касалликлар мавжуд бўлсада ҳомиладорликка монелик қилмайдиган

ҳолатлар (масалан тиш кариеси, ташқи жароҳатлар, ўткир касалликлар, сурункали отит, периферик нерв невритлари, енгил миопия ёки камқонлик ва бошқалар) бўлган аёлларга интергенитал ораликни сақлаш учун контрацептив воситалардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Экстрагенитал касалликлари туфайли ҳомиладорликка нисбий ёки мутлоқ монелик аниқланган аёллар алоҳида назоратга олиниб, барча диспансер назоратидаги беморлар каби индивидуал равишда соғломлаштириш-реабилитация чоралари белгиланади. Исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш бўйича маслаҳатлар берилади, контрацептив воситаларининг турлари эса аёлнинг ёши, мавжуд касалликлари ва танловига кўра танланади.

Фертил ёшдаги аёлларнинг тиббий кўрик натижалари, уларда мавжуд экстрагенитал касалликлар, ҳомиладорликка монелик бор ёки йўқлиги исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш чоралари (контрацептив воситалардан фойдаланиш ҳолати) **ҳар йили** амбулатор картада алоҳида қайд қилиниши лозим.

15. Аҳоли орасида сил касаллигини эрта аниқлаш мақсадида ҳар бир оила шифокори сил касаллиги юқишга мойил бўлган хавфли гуруҳга мансуб аҳоли контингенти (ўпканинг носпецифик касалликлари, қандли диабет, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги, узоқ вақт гормонлар, цитостатик ва нур билан даволанаётган беморлар, руҳий, наркологик, ОИВ касаллигига чалинган беморлар) **йилига бир марта** ўпканинг флюорографияси текширувидан ўтказиш йиллик режасини тузади. Оила шифокорларининг режалари умумлаштирилиб муассасанинг, барча муассасалар режаларидан туман/шаҳар тиббиёт бирлашмасининг аҳолини флюорография текширувидан ўтказиш йиллик режаси шакллантирилади. Оила шифокорларининг йиллик режаси ижроси амалиёт ҳамшираси томонидан муассасалардан унинг раҳбари (даволаш ишлари бўйича ўринбосари) томонидан тизимли назорат қилиб борилади. Ҳар чорак якунлари бўйича ўрнатилган тартибда ҳисоботлар шакллантирилади ва таҳлиллари ўтказилади.

Тиббий бригаданинг патронаж ҳамширалари режага мувофиқ тегишли аҳоли контингентини флюорографиядан ўтиши учун таклиф қилади. Флюорографиядан ўтказиш имкони бўлмаган олис ва чекка ҳудудда яшовчи аҳолини текширувдан ўтказишда кўчма флюорографлардан фойдаланиш мумкин.

16. Сурункали касалликка чалинган беморлар касалликнинг ривожланиш босқичига кўра, клиник протокол ва стандартларга асосан йилига 2-6 марта динамик кузатувлар билан қамраб олиниши режалаштирилиши мумкин. Касалликнинг зўриқиш давларидаги, яққол асоратлар ёки декомпенсация давридаги қатнов ва кўриклар режадан ташқари амалга оширилади.

Оила шифокори йил бошида диспансер назоратидаги ҳар бир бемор учун йил давомида кузатув ва соғломлаштириш-реабилитация режасини тузади, диспансер назорати карточкаси (ф-30) ни расмийлаштиради.

Унга асосан режалаштирилган кўрик даврида патронаж ҳамшираси беморни оила шифокори кўригига таклиф қилиш ва ҳар бир кўрикда тасдиқланган стандарт ёки клиник протоколларда кўрсатилган текширув ва консултациялар ўтказилиши талаб этилади.

Диспансер назоратидаги беморларнинг диспансер кўриги режаларини бажарилиши амалиёт ҳамшираси томонидан мувофиқлаштирилади ва кўриклар ташкиллаштирилади.

Ҳар бир кўрик натижалари оила шифокори томонидан беморнинг амбулатор картасига қайд қилиб борилади ва тегишли текширув натижалари, кўрсатмага кўра мутахассис маслаҳатлари киритилади.

17. Сурункали касалликка чалинган беморларни диспансер назоратига олиш, уларнинг йиллик соғломлаштириш-реабилитация режасини тузиш ва уни амалга ошириш, шу йўналишда тегишли тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш юзасидан талаблар ижросини таъминлаш амбулатор-поликлиника муассасаларининг тор соҳа мутахассисларига ҳам тааллуқли бўлади.

18. Тор соҳа мутахассислари ўз йўналиши бўйича беморларни эрта аниқлаш, профилактик кўриклар ва скрининг дастурларини ўтказишга ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишда тиббий бригада аъзоларига услубий ёрдам кўрсатишга масъул ҳисобланади.

19. **Патронаж** - алоҳида назорат талаб этиладиган ҳолат ва контингентнинг уйдаги кўриклари бўлиб, уни оила шифокори, патронаж ҳамшираси ва доя амалга оширади. Зарур ҳолатларга бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

20. Патронаж 2 турда амалга оширилади.

Универсал патронаж – режа асосида амалга оширилади.

Прогрессив патронаж - патронаж билан қамраб олиниши зарур бўлган континген саломатлигида муаммолар юзага келганда маълум муддатда амалга оширилади. Бу жараёнга оила шифокори, тиббий бригаданинг бошқа аъзолари, тор соҳа мутахассислари, муассаса раҳбарлари, хатто жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилиши мумкин.

21. Универсал патронаж билан қамраб олиниши зарур бўлган контингент ва патронаж режаси мазкур йўриқноманинг 2 – иловасида келтирилган.

22. Оила шифокори тиббий бригаданинг барча аъзолари билан биргаликда универсал патронаж билан қамраб олиниши зарур бўлган контингентни аниқлайди ва 2- иловадаги алгоритмга асосан йиллик патронаж режасини тузади. Мазкур режанинг ижроси назорати бевосита тиббиёт бригадасининг амалиёт ҳамширасига юклатилади.

23. Ҳар бир патронаж ҳамшираси ва доя йиллик режадан ўзига бириктирилган аҳоли сони, ёши ва саломатлик ҳолатидан келиб чиқиб, ойлик, ҳафталик ва кунлик режаларини аниқлаб олади.

24. Иш куни давомида универсал патронажни амалга ошириш даврида мазкур контингент саломатлигида муаммолар пайдо бўлса, ушбу муаммо бартараф бўлгунига қадар, оила шифокорининг алоҳида кўрсатмасига кўра мазкур контингентнинг прогрессив патронажи амалга оширилади. Муаммо бартараф этилганган сўнг кўрсатмага асосан яна универсал (тизимли) патронаж давом эттирилади.

25. Юқумли касалликлар аниқланганида хонадонда обсервация даврида ҳам касаллик турига кўра белгиланган муддатда прогрессив патронаж амалга оширилади.

26. Универсал патронаж алоҳида кўрсатма бўлган ҳолатларда вақтинча онлайн тарзга ўтказилиши мумкин.

27. Ўтказилган патронажлар тўғрисидаги маълумотлар соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар (амбулатор карта, патронаж/оила ҳамшираси, тиббий бригада доясининг фаолият журнали)да расмийлаштирилади.

V. Ҳисоб ва ҳисобот

28. Барча турдаги профилактика тадбирлари соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий ҳисоб ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

Ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган ва ҳаққонийлиги исботланмаган профилактика тадбирлари ҳисобга олинмайди.

29. Профилактика тадбирларини амалга оширганлик тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги тиббий ҳисоб ҳужжатларига асосан мониторинг қилинади ва ўрганилади.

30. Ҳар бир тиббий ходим ўзига юклатилган функционал вазифалардан келиб чиққан ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш, унинг натижалари ва ҳаққонийлигига жавобгар бўлади.

VI. Яқуний қоидалар

31. Профилактика тадбирлари соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган муддатлар ва тартибда ўтказилади. Алоҳида кўрсатма бўлмаса вазирлик тасарруфидаги муассасаларда бошқа турдаги кўрик ва қатновларни жорий этилишига йўл қўйилмайди.

32. Профилактика тадбирлари вазирликнинг кўрсатмасига асосан ўзгартирилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

Аҳолининг профилактик тиббий кўриклари,
скрининг дастурлари ва патронаж хизматини
ўтказишнинг янгиланган тартиби
тўғрисидаги йўриқномага 1-илова

Аҳолининг профилактик кўриklar, скрининг дастурлардан ўтказиш режаси

Контингент	Мутахассислар кўриги		Антропометрик ўлчовлар	Саломатлик ҳолатини баҳолаш	Лаборатор текширувлар	Инструментал текширувлар
	Оила шифокори	Тор соҳа мутахассислари				
Профилактик кўриklar						
1 ёшгача бола	туғруқхонадан чиққанидан кейин 3 марта (туғруқхонадан чиққанидан кейин 3 кун ичида, 19-21 кун, 39-42 кун , кейинчалик ҳар ойда 1 марта	невропатолог ва ортапед 2 ойлик муддатда	бўй узунлиги , тана вазни, бош ва кўкрак айланасини ўлчаш, ВБИ аниқлаш ҳар ойда 1 марта	боланинг психоматор ривожланишини баҳолаш ҳар ойда 1 марта	-	-
1-3 ёшли бола	ҳар чоракда 1 марта	стоматолог, эндокринолог, ортапед, офтальмолог, оила шифокори (таълим муассасаси педиатри 1 йилда 1 марта	бўй узунлиги , тана вазни, бош, кўкрак айланасини ўлчаш, ВБИ аниқлаш ҳар чоракда 1 марта	боланинг психоматор ривожланишини баҳолаш ҳар чоракда 1 марта	-	-
3-5 ёшли бола	ҳар 6 ойда 1 марта	стоматолог, эндокринолог, ортапед, офтальмолог, оила шифокори (таълим муассасаси педиатри 1 йилда 1 марта	бўй узунлиги , тана вазни, бош, кўкрак айланасини ўлчаш, ВБИ аниқлаш ҳар 6 ойда 1 марта	боланинг психоматор ривожланишини баҳолаш ҳар 6 ойда 1 марта	-	-
6-18 ёшли болалар	1 йилда 1 марта саломатлик	стоматолог, эндокринолог, ортапед,	бўй узунлиги , тана вазини ўлчаш, ВБИ аниқлаш		-	-

Контингент	Мутахассислар кўриги		Антропометрик ўлчовлар	Саломатлик ҳолатини баҳолаш	Лаборатор текширувлар	Инструментал текширувлар
	Оила шифокори	Тор соҳа мутахассислари				
18 ёшдан 40 ёшгача аҳоли	гурухларига таснифлаш	офтальмолог, оила шифокори (таълим муассасаси педиатри) 1 йилда 1 марта	бўй узунлиги, тана вазни, бел айланасини ўлчаш, ВБИ аниқлаш А/Б аниқлаш	овқатланиш одатлари, жисмоний фаоллиги, зарарли одатларга тобелигини ўрганиш	-	-
Скрининг ва касалликларни эрта аниқлаш дастурлар						
2-10 ёшли болалар					гельминтозга нажас таҳлили	
3-18 ёшли болалар	Онкогематологик касалликлар скрининги 1 йилда 1 марта			Махсус саволнома, объектив кўрик, лимфотугунлар пальпацияси	Қонда гемогобин, эритроцит, лейкоцит, СОЭ таҳлили	
40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли	1 йилда 1 марта саломатлик гурухларига тақсимлаш		бўй узунлиги, тана вазни, бел айланасини ўлчаш ВБИ аниқлаш А/Б, пульс аниқлаш	махсус саволнома асосида хавф омилларини аниқлаш овқатланиш одатлари, жисмоний фаоллиги, зарарли одатларга тобелигини ўрганиш	қонда глюкоза, холестерин, миқдорини аниқлаш	ЭКГ
35-55 ёшли аёллар	бачадон бўйни саратони скрининги 3 йилда 1 марта	гинеколог (доя)			қин суртмаси таҳлили	видекольпоскопия*
45-65 ёшли аёллар	кўкрак беги саратони скрининги 2 йилда 1 марта	онколог*				маммография*
15-49 ёшли хотин-қизлар	1 йилда 1 марта профилактик кўрик, ҳомиладорликка монелик аниқлаш	гинеколог (аёллар), бошқа тор соҳа мутахассислари кўрсатмага асосан			қоннинг умумий таҳлили	
Сил касаллиги бўйича хавф	1 йилда 1 марта					флюорография

Контингент	Мутахассислар кўриги		Антропометрик ўлчовлар	Саломатлик ҳолатини баҳолаш	Лаборатор текширув лар	Инструментал текширувлар
	Оила шифокори	Топ соҳа мутахассислари				
гуруҳига мансуб аҳоли**						
Диспансер назорати						
Сурункали касаллиги бор беморлар	Касалликнинг ривожланиш босқичига кўра йилига 2-6 марта (клиник протокол ва стандартларга асосан)					(клиник протокол ва стандартларга асосан)

* - кўрсатмага кўра ** - алоҳида руйхатга мувофиқ

Аҳолининг профилактик тиббий кўриклари,
скрининг дастурлари ва патронаж хизматини
ўтказишнинг янгиланган тартиби тўғрисидаги
йўриқномага 2-илова

**Аҳолининг тегиши контингентларини универсал патронаж
билан қамраб олиш режаси**

Контингент	Масъул ходим	Такрорийлик	Жаъми
Болалар (бир ойгача)	Оила шифокори Патронаж (оила) ҳамшираси	т/кхонадан келгач 3 кун ичида, 15 кунликда, 1 ойликда	3 марта
Бир ёшгача болалар	Патронаж (оила) ҳамшираси	3 ойлик, 6 ойлик, 9 ойлик, 12 ойлик	йилига 4 марта
2 ёшгача болалар	Патронаж (оила) ҳамшираси	ҳар 18 ойлик ва 2 ёшда	йилига 2 марта
3-5 ёшли болалар	Патронаж (оила) ҳамшираси	3 марта (3, 4 ва 5 ёшда)	йилига 1 марта
Эмлашдан кейинги патронаж	Патронаж (оила) ҳамшираси	Эмлангандан кейин 3 кун ичида 1 марта	1 марта
Хомиладор аёллар (физиологик хомила)	Тиббий бригада патронаж ҳамшираси	2 марта (12 ва 32 хафтада)	2 марта
Чилла давридаги аёл	Патронаж ҳамшира	т/кхонадан келгач 3 кун ичида, 15-чи куни 30 куни	3 марта
Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлар, ва ёлғизлар	Патронаж (оила) ҳамшираси	Ҳар ойда 1 марта	эҳтиёжга кўра
Сурункали касалликнинг декомпенсация давридаги, ётиб қолган оғир беморлар	Патронаж (оила) ҳамшираси	Ҳар хафтада 1 марта	ойига 4 марта

Изоҳ: Электрон тарзда юритилади.

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил
 “ 27 ” июль ____ даги “ 210 ” –сонли
 буйруғига 2- илова

**Соғлиқни сақлаш вазирининг ўз кучини йўқтоган деб топилган
 буйруқлари руйхати**

№	Буйруқ № ва санаси	Буйруқ номи	Нималар белгиланган
1.	№420 02.11.2015 йил 6 - илова	Болаларга амбулатор-поликлиника муассасаларида тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 6 илова	Ташкиллашмаган болалар, мактабгача ва умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус таълим, касб-хунар муассасаларида таълим олаётган болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш алгоритми
2.	№ 6 06.01.2016 йил	Аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш ҳамда профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ташкиллаштириш тўғрисида	Тиббий кўриклар тартиби, алгоритми, ҳисобот шакллари
3.	№ 112 18.03.2017	Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида	Репродуктив саломатлик шаби, таркиби ва вазифалари, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклар алгоритми, патронаж билан қамраб олиш асосий йўналишлари
4.	№ 309 27.11.2020 йил	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматини тубдан яхшилаш тўғрисида	Аҳолини хатлов ва антропометрик ўлчовлардан ўтказиш тартиби
5.	№ 328 09.12.2020	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва тиббий хизмат сифат самарадорлигини ошириш	Аҳолининг физиологик ва саломатлик кўрсаткичларига кўрагуруҳларга тақсимланиши, муайян касалликлар бўйича

		чораларини белгилаш тўғрисида	мақсадли скрининг текширувларидан ўтказиш тартиби
6.	№ 38 25.02.2021	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни “маҳаллабай” ташкил қилиш чоралари тўғрисида	Аҳолига бирламчи тиббий- санитария ёрдами кўрсатишни “маҳаллабай” ёндашувни таъминлаш услуглари бўйича йўриқнома
7.	№41 26.02.2021	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолини хатлов- антропометриядан ўтказиш жараёни сифат ва самарадорлигини ошириш тўғрисида	Аҳолини антропометриядан ўтказиш йўриқномаси, натижаларини қайд қилиш шакллари
9.	№ 86 26.04.2021	Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хатлов натижаларини умумлаштириш ва хавф гуруҳлари билан ишлашни ташкиллаштириш тўғрисида	Саломатлик ва касалланиш ҳолатидан келиб чиқиб, хавф гуруҳларига мансуб аҳолига профилактика ва тиббий- санитария ёрдамини ташкиллаштириш тартиби